

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТИ КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ
ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ
ПЕШКУ ТУМАН 2-СОН КАСБ-ХУНАР МАКТАБИ

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУДСОСАЛАРИДА
ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ОМИЛЛАРИ

Республика илмий-амалий конференция материаллари




Бухоро-2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТИ КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ
ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ
ПЕШКУ ТУМАН 2-СОН КАСБ-ҲУНАР МАКТАБИ**

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ОМИЛЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференция материаллари



Бухоро-2021

Конференция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил
2 март 78-Ф-сонли фармоиши асосида ташкил этилди.

КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ДАСТУРИЙ ҚЎМИТАСИ

Б.К.Зарипов	-	Бухоро вилояти ҳокими
М.М.Холмухаммедов	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари
Т.Р.Чориев	-	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.
К.М.Муқимов	-	Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги
Ҳ.Ҳ.Қобилов	-	Бухоро вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи:
З.Я.Худайбердиев	-	Педагогик инновациялар касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ректори
О.Х.Ҳамидов	-	Бухоро давлат университети ректори.
Н.Р.Баракаев	-	Бухоро муҳандислик технология институти ректори.
Ш.Ж.Тешаев	-	Бухоро давлат тиббиёт институти ректори.
Ш.Ж.Имомов	-	Тошкент ирригация ва меллиорация институти Бухоро вилояти филиали директори техника фанлари доктори профессор
Н.А.Нуралиев	-	Тиббиёт фанлари доктори, профессор
О.С.Қахҳоров	-	Бухоро давлат университети илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
Б.Р.Адизов	-	Бухоро давлат университети ҳузуридаги ПҚҚТ МО минтакавий марказ директори, п.ф.д., профессор
М.З.Шарипов	-	Бухоро муҳандислик технология институти илмий ишлар проректори
Ш.Ш.Олимов	-	Бухоро давлат университети педагогика кафедраси мудири педагогика фанлари доктори профессор
Д.Р.Раҳматуллаева	-	Педагогик инновациялар институтининг “Таълимда бошқарув” кафедраси доценти, п.ф.ф.д
Я.Я.Раҳматов	-	Бухоро вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари.
Ш.А.Ҳайитов	-	Бухоро давлат университети жаҳон тарихи кафедраси профессори, тарих фанлари доктори
Ҳ.Ҳ.Ҳакимжонова	-	Педагогик инновациялар институти, “Таълимда бошқарув” кафедраси катта ўқитувчиси
М.Ҳ. Маҳмудов	-	Бухоро давлат университети профессори п.ф.д
Б.Х.Маҳмудов	-	Пешку туман 2-сон касб-хунар мактаби директори.
Б.Қ.Хўжаев	-	Бухоро давлат университети Педагогика кафедраси доценти, п.ф.н
Э.М.Мухторов	-	Бухоро давлат университети педагогика факултети декани психология фанлари номзоди
С.Қ.Қахҳоров	-	Бухоро давлат университети касаба уюшма қўмитаси раиси
Н.Бекова	-	Бухоро давлат университети Ўзбек филологияси кафедраси доценти, ф.ф.н.

КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ

В.Х.Қаххоров	-	Бухоро вилояти Пешку тумани хокими
А.Э.Холиев	-	Биалогия фанлари доктори профессор
Э.Д. Ниёзов	-	Бухоро Давлат университети Табиий фанлар факультети декани
Х.Т.Авезов	-	Кимё фанлари номзоди доцент
З.И.Нуриллоев	-	Бухоро муҳандислик-технология институти. Кимё кафедраси ўқитувчиси. техника фанлари фалсафа доктори(PhD)
С.А.Мухаммадов	-	Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси Методик хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи.
С.Х.Имомова	-	Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бош методист маслаҳатчиси
Н.Ф. Норов	-	Пешку туман 2-сон касб-хунар мактаби ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари.
Н.Саидов	-	Пешку лимончилик равнақи фермер хўжалиғи раҳбари
С.Жумаева	-	Пешку туман “Малшояк” фермер хўжалиғи раҳбари
М.Бозоров	-	Пешку туман кишлок хўжалиғи бўлими бошлиғи
Қ. Р.Тўхсанов	-	Бухоро давлат университети доценти, филология фанлари номзоди.
Г. Ҳасанова	-	Бухоро муҳандислик технология институти доценти.
Б.Т.Жураев	-	Бухоро давлат университети педагогика кафедраси ўқитувчиси
Б.Эшонқулов	-	Пешку туман 2-сон касб-хунар мактаби ўқув ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари.
Ҳ. Адизова	-	Бухоро давлат университети ўқитувчиси.
Ш.Абдиев	-	Пешку туман 2-сон касб-хунар мактаби ЁБИБДМ
Ж.Мажидов	-	Бухоро давлат университети жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

Масъул муҳаррир:

Олимов Ш.Ш.,
педагогика фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Қ.Р.Тўхсанов
филология фанлари номзоди, доцент

Н.Бекова,
филология фанлари номзоди, доцент

РАНИМОВА Д.А. Ta'lim tizimini rivojlantirishda ajdodlar merosining roli	221
ФАТУЛЛАЕВА М.А., МАҲМУДОВ И. Ёш авлод тарбиясида миллий халқ ўйинларининг ўрни ва педагогик аҳамияти	223
АВЛИЯКУЛОВ М.М. Бўлажак ўқитувчилар маънавий оламини юксалтиришда санъат ва маданиятнинг ўрни.	227
TOSHEVA D.I. Ekologik ta'lim-tarbiya haqida allomalar qarashlari	229
АВЛИЯКУЛОВА Н.М. Пути развития изобразительно-творческой деятельности будущих педагогов.	235
НУРУЛЛАЕВ А.Р., ХУЖАЕВ Э. Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний ҳаракатларга ўргатишда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш самарадорлиги	237
ГУЛБОЕВ А.Т. Профессионал таълим тизимида маънавий- маърифий ишларни ташкил этиш	239
УСМОНОВА Г.И. Таълим ва тарбия уйғунлиги миллий тараққиётга эришиш кафолати	241
ҲАЙИТОВ Ж.Ш. Ўзбекистонда бошоқ (дон)ли экин янги навларининг тарқалиши тарихи	243
ОРЗИЕВ М.З., ҲАЙИТОВ Р. Биринчи жаҳон уруши даврида бухорода герман-турк fronti учун олиб борилган тарғибот ишлари	245
ГУЛБОЕВ А.Т. Профессионал таълим тизимида касбий-ахлоқий меъёрларини тарбиялашнинг илмий-педагогик асослари	251
ҚУРБОНОВА У.Ў. Мустақиллик йилларида ўзбекистонда касбий таълим тараққиёти тенденциялари	254
GULAMOVA D. "Street law" loyihasi huquq targ'ibotining eng mukammal dasturi	257
РАЖАБОВ О. Баркамол ёшлар таълим-тарбиясида туркистон маърифатпарварларининг қарашлари	259
ШАМСИЕВ Р.Х. "Механик узатмалар" мавзусини ўқитишнинг замонавий усуллари.	261
КЎЧАРОВ Ж.Қ. Мирзо Улугбек ва Бухоро	265
ТЕМИРОВ Ф.У. Садриддин Айний – ёш авлоднинг таълим-тарбияси тўғрисидаги фикрлари	270
ХАКИМОВА Г.А. Религия любви в полотнах Акмаля Нура	272
АДИЗОВА Х.Р., ШОДМОНОВА Д.А. Табиатга муносабатимизни ўзгартиришимиз шарт	274
ШИРИНОВ А.Л. Ўзбекистонда манзара жанрининг ривожланиши	278
НУРИЛЛАЕВА Н.Ш. Интеграция науки и образования как элемент системы непрерывного профессионального образования	280
СОБИРОВА Ш.У. Архитектура қурилиш чизмачилигида ўқитиш методларининг аҳамияти	282
ГАФФАРОВ Х.Р., САВРИЙЕВ Й.С., АЗИЗОВ Б.А., СЕВИНОВ У.Б.	284

4. Мухаммаджон Куронов Миллий тарбия Тошкент "Ўқитувчи" нашриот
2010 йил 142 бет
5. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 7-т. — Тошкент: Фан, 19
—240 б.
6. Қаххорова М. Маънавий идеал.— Тошкент: Маънавият, 2008. — 46 б.
7. Саидов У. Шарқ ва Ғарб: маданиятлар туташган манзиллар. — Тошкент
Янги аср авлоди, 2009. Б.4-5.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ УЙҒУНЛИГИ МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ КАФОЛАТИ

Г.И.Усмонова - Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Ҳар бир жамиятнинг, унда яшайдиган инсонларнинг тақдири ва келажа
албатта давлатларнинг етакчи кучлари ҳисобланмиш ёшлар тарбияси бил
чамбарчас боғлиқдир. Буюк ўзбек халқи қадим-қадимдан фарзанд, ёшлар
таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келган. Бугунги кунда юртимиз
амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати эса қадимдан ота-боболаримиз
томонларидан шаклланиб келган асл миллий ва диний қадриятларимизни
бугунги кундаги аҳамияти нечоғлик муҳим эканлигини кўрсатиб бермоқда. Зер
ҳаётимизни мукамал ахлоқ тамойиллари асосида барпо қилиш ва албатта
таълим-тарбия бериб келаётган эртаимиз ишончи бўлмиш ёш авлодларимизга
боғлиқдир. Зотан мустақил давлатимиз истикболи учун маънавияти юксак
баркамол инсонлар зарурдир.

Ижодкорлик фаолиятини ривожлантириш ёшларда шахсга йўналтирилган
таълимни қарор топтиришга қаратилган. Тарбия узок муддатли, кўп хусусиятли
жараён. Бу жараён таълим, миллий маънавий-ахлоқий қадрият ва меъёрлар билан
беvosита боғлиқ. Ҳозирги ривожланиш даврида ижтимоий стереотиплардаги
ўзгаришлар, нафакат катталар, балки ёшлар тарбиясига ҳам юқори талабларни
қўймоқда. Буларнинг кўпчилиги оиладаги талабга жавоб бермайдиган тарбиявий
таъсир, қаровсизлик, миллий қадриятларнинг бузилиши, болалар хулқида
ноижтимоий, яъни жамиятга ёт бўлган ҳолатларнинг пайдо бўлиши каби рухий
жароҳат берувчи ижтимоий омилларнинг кучайишига олиб келмоқда. Афсуски,
жамиятимизда тарбияси "қийин" ўсмирлар ва ўспиринлар билан боғлиқ
муаммолар ҳам мавжуд. Бу муаммолар ёшларнинг ўқиш жараёни ва хулқида
намоён бўлади. Тарбияси "қийин" болалар жамият томонидан ўрнатилган
меъёрларга зид равишда хатти-ҳаракат қилишади. Улар беқарор ахлокли,
иродаси бўш, педагогик таъсирга доим қаршилик кўрсатиб келувчи ёшлардир.
Тарбияси "қийин" болалар синф жамоасида озчиликни ташкил қилсалар-да улар
ўқув-тарбиявий ишларда барқарорликка жиддий тўсик бўладилар. Улар мактаб
ва ундан ташқарида (оила, кўча, дам олиш ва бошқа жойларда)
тартибсизликларни вужудга келтирувчилар ҳисобланадилар. Шунинг учун ҳам
"қийин" болалар мактабда ҳам, ундан ташқарида ҳам ўқитувчи ва жамоат
эътиборида турадилар. Жамият томонидан қабул қилинган хатти-ҳаракатлар,
қоидалар ва меъёрлардан чекинган ўсмирлар девиант хулқилар деб аталади.

Девиант хатти-ҳаракат психик соғлом шахслар томонидан метъерий коидаларни бузиш ҳолларидир. Девиатция ижтимоий-педагогик муаммо бўлиб, инсон руҳий оламидаги, унинг атрофидаги муҳитнинг ўзгариш ҳоллари билан боғлиқ.

Бизнинг жамиятимизда мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок ёш авлод тарбиясига катта эътибор қаратилди ва таълим-тарбия жараёнинини уйғунликда олиб боришга қаратилган махсус дастурлар, конселциялар ишлаб чиқилиб, улар бугунги кунда амалда ўз самарасини бермоқда. Худди шундай жамиятда мавжуд бўлган тарбияси “кийин” ўсмирлар билан ишлашга мўлжалланган реабилитация, профилактика ва коррексия ишлари амалга оширилмоқда. Ўсмир хулқидаги нуқсонлар: ёлгончилик, ахлоқсизлик, жанжалкашлик, агрессивлик каби иллатларни коррекциялаш учун қўйидагиларга риоя қилиш зарур: – педагогик муаммонинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш; – таъсир кучини ўтказадиган профилактик тадбирлар методикаси билан танишиш; – гуруҳ жамоасида ўқитувчи ва ўқувчи орасида бир-бирига ҳурмат муҳитини вужудга келтириш; – оилада соғлом муҳитни вужудга келириш учун ота-оналар билан ҳам психологик ва педагогик консултатция ишларини олиб бориш ва ҳоказо. Шунингдек, тарбияси “кийин” ўсмир ва илк ўспирин ёшдагилар, тартиббузар ва интизоми бўш ёшларни жамоат топширигига жалб қилиш ҳам яхши самара беради. Жамоат топшириги ўсмирларда ва илк ўспиринлик босқичидаги ёшларда меҳнатсеварлик, масъулиятлилик, жамоат жойларда ўзини интизомли тута олиш, атрофдагиларни ҳурмат қилиш каби хислатларни шакллантиради. Педагог мазкур ёшдаги боланинг ўз-ўзини ҳурмат қилишга ўргатиш туйғусини шакллантириш ҳам муҳим эканлигини ҳисобга олиши, ўқувчининг синф ва умумжамоа олдидagi обрўсини кўтариш йўлларини излаши керак. Бунинг учун ўқитувчи боланинг у ёки бу соҳадаги ютуқларини кўпчиликка маълум қилиб, унинг айрим камчилик ва хатоларини йўқотишда донолик билан иш тутиб, уларни дарров кўпчиликка ошкор қилмай, ўсмир билан суҳбатлашиб, унинг кучи ва имкониятларига ишонишини амалда кўрсатади, бу билан ўсмирда шаклланиб келаётган “катта киши” бўлиб қолганлик туйғусини ҳурмат қилишини билдиради. Бундай қўллаб-қувватлашнинг кераклигини яхши хис қилган ўсмир беихтиёр ўқитувчининг таъсирига берилади, чунки педагог ўсмирнинг муносабатларини йўлга қўйишда унинг учун зарур шахсга айланиб қолади

Эндиликда ёшлар тарбияси давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Бугунги кунда мустақиллигимиз шарофати билан оилада ва таълим ўчоқларида фарзандларимизнинг мурғак қалбларига одоб-ахлоқ, иффату-ҳаё каби тушунчалар билан ҳамоҳанг тарзда сингдириб борилмоқда. Шунга қарамаздан бугунги таҳликали замонда фарзандларимиз онгини турли мафкуравий ҳуружлардан ҳимоя қилиш энг асосий вазифамиз бўлиб қолаверди. Чунки ҳозирги ўта глобал замонда, турли бузгунчи ғояларга асосланган фирка ва гуруҳларнинг асосий максадлари ёшлар онгини захарлаб, ўз домига тортишдан иборат. Бундан мурод эса, ҳар доим жамиятнинг энг кўзга кўринган катлами

бўлиб келган ёшларни бузгунчи гоёлар шамоли чирмаб ўтиб, ҳаракатга келтириб, ўзларининг қабих ниятларини амалга оширишдан иборатдир.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар тарбияси бутун миллат олдидаги улкан масъулиятли вазифа эканлигини таъкидлаб: **“Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас”**, дея таъкидлайдилар.

Бу борада Президентимиз ёшлар дунёқарашини шакллантиришда мафкура масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Зотан, ёшларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, ёт мафкуралар, хуружлардан асраш, уларда турли гоёвий таҳдидларга қарши кўникмаларни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан саналади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқларида **“Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, доимо маънавий озик керак. Агар шу озикни ўзи яшаётган муҳитдан топа олмаса, бундай озикни у аста-секин бошқа ёқдан излай бошлайди”** дея таъкидлайди. Бу ўринда давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган комплекс чоратadbирлар, ёшларимиз ҳаётининг барча жабҳаларини, хусусан, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган ислохатлар униб-ўсиб келаётган ёшларга давлатимиз томонидан қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик намунасини кўрсатади. Ўз навбатида давлатимиз раҳбарияти томонидан яратиб берилаётган имкониятлар эса, эртанги кунимизни ўз қўлларимиз билан курашимиз деган мустақил фикрга эга бўлган баркамол ёшларни шакллантиришга тurtки бўлмоқда. Албатта, эртанги кунимиз, порлоқ келажагимиз ана шундай ёшлар кўлида. Зеро, ёшлар таълим-тарбиясига тикилган сармоя келажакка тикилган сармоядир. Янги давлатни барпо қилиш осон бўлмагани сингари, унинг порлоқ келажагини шакллантириш ҳам енгил бўлмайди. Бунинг учун куч, ғайрат, шижоатимизни аямаган ҳолда илм ва маърифатли ёшларни тарбияламоғимиз лозим.

ЎЗБЕКИСТОНДА БОШОҚ (ДОН)ЛИ ЭКИН ЯНГИ НАВЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ТАРИХИ

Ж.Ш.Ҳайитов – БухДУ “Жаҳон тарихи” кафедраси. (PhD)

Туркистон минтақаси қадимдан ўзининг ширин-шакар мевалари билан жаҳонга машҳур бўлиб, милоддан аввалги II аср охири чорагида Буюк ипак йўли орқали савдо-сотик алоқалари ўрнатилган илк даврларданок Фарғона водийсидан Хитойга узум, анор ва бир қатор полиз ҳамда сабзавот экинлари кириб борган. Шунингдек, хитойликлар ток парваришлаб, узумчилик билан шуғулланиш, боғдорчилик ва дехқончилик маданиятининг бази тармоқларини ўрта осийликлардан ўрганганлар. Аҳоли миграцияси асрлар давомида узлуксиз